O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB...
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 15 март ЧОРШАНБА

№ 21 (11.824)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

NAVRO'Z

## ШУ ЗАМИН, ШУ ЮРТ – ЎЗИМИЗНИКИ

### *Уни обод қилиш бизнинг вазифамиз, муқаддас бурчимиздир*



Табиат эркаси — баҳор фаслининг дастлабки кунлари қуёш чарақлаб, борлиқни қиш уйқусидан тамомила уйғотиб юборди. Кўклам либосини аллақачон кийиб олган мажнунтоллар олис-олислардан кўзга ташланади, ўриклар қип-қизил ғунчалаб, ёппасига гулга кирди. Олча, гилослар барг ёзиш тараддудида.

Табиатдаги уйғониш шанба куни эрта билан шаҳар ва қишлоқларда баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўз арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарига алоҳида жўшқинлик, уюшқоқлик бағишлади. Маҳаллалар, гузарлар, корхоналар ва қурилишлар қуёш тоғлар ортидан бош кўтармасиданоқ ҳашарчилар билан гавжум бўлиб кетди. Эркагу аёл, каттаю кичик кўчалар, хиёбонларни супуриб-сидириб, ариқларни тозалашга киришди. Йигитлар шўх-шодон кулгилар, ҳазил-мутойиба билан чиқиндиларни машиналарга юклашарди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг илк баҳор кунлари, Наврўз байрамига бағишланган ҳашарда Ангрен шаҳрида 28156 киши қатнашди. Икки кунда уларнинг саъй-ҳаракатлари билан жами сатҳи 134 гектарли майдон ва хиёбонлар тозаланиб, ободонлаштирилди. Катта йўл бўйлари, шаҳар кўчалари ва хиёбонларига ҳашарчилар томонидан 10 минг 700 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт, 2790 дан ортиқ гул кўчатлари экилди. «Камолот»чи ёшлар қариялар ва ногиронлар яшаб турган 8 та уйни таъмирдан чиқаришди. Кўмир ва олтин конларининг меҳнатчилари, вилоят Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг биргаликдаги меҳнатлари билан вилоятимизнинг йирик саноат шаҳри алоҳида чирой очди.



Наврўз байрами шарафига ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари олмалиқликлар учун ҳам меҳнат байрамига айланди. Шаҳарнинг 55 мингга яқин аҳолиси ҳашарда фаол иштирок этди. Икки кун давомида 41,7 гектар майдон ободонлаштирилди, 31 минг 410 погон метр ариқ-зовурлар тозаланди, уй-жойларнинг йўлаклари пардозланди. Шунингдек, 58 минг тупдан зиёд дарахтларга шакл берилиб оқланди. 6290 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 13910 дона гул ниҳоллари ўтказилди.

Ҳашар ишларига жалб этилган 77 та транспорт воситаларида 220 тонна қурилиш ва маиший чиқиндилар ташиб чиқарилди. Шаҳардаги кам таъминланган 54 та оилага ҳомийлар томонидан 266 минг сўм миқдорида мурувват ёрдами кўрсатилди. Умуман, кам таъминланган оилаларга ҳашар кунлари 1 миллион 175 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳашардан тушган 60 миллион сўм маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди.

Шу кунлари Зангиота туманининг олис-яқин қишлоқлари яна ҳам ораста бўлиб қолди. Эшонгузар шаҳарчаси, Эркин, Хонобод, Ўзгариш ва бошқа қишлоқларда шанбалик куни 56 мингдан зиёд одам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида қатнашди. Маҳалла гузарлари, бошқа майдон ва хиёбонларга, катта-кичик йўлларнинг бўйларига 10 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, гулзор-хиёбонлар ташкил этилди.

Тўйтепа шаҳри, умуман, Ўртачирчиқ туманининг барча қишлоқларида умумхалқ ҳашари сидқидилдан, беминнат меҳнат ва меҳр-мурувват кўрсатиш кунларига айланди. Меҳнат жамоаларининг аъзолари бир кунлик иш ҳақларини «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман кенгаши ҳисоб рақамига ўтказишди. Кам таъминланган оилаларнинг уй-жойларини ҳашарчилар таъмирлаб беришди. Бу хонадонларга, шунингдек, боқувчисини йўқотган қарияларга 217 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Охунбобоев номли, Қорасув, Ангор, Дўстлик қишлоқлари, Муқимий номли, Бобур номли, Кончи, Учқун маҳаллалари аҳолиси ҳашарда ёппасига қатнашди. Барча корхоналар ва хўжаликларнинг ишчи-хизматчилари икки кун давомида алоҳида завқ-шавқ билан меҳнат қилиб, қишлоқлар, маҳаллалар, кўча бўйларига байрамона гўзаллик ва орасталик бағишлашди.

Бекобод металлурглари ва цементчилари, «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти ишчилари, Чиноз тўқимачилари, Чирчиқ кимёгарлари ва машинасозлари, барча шаҳар ва туманлардаги меҳнат жамоаларининг аъзолари, аҳолининг барча қатламлари намоёндалари ҳашар кунлари чин дилдан меҳнат қилишди. Вилоят

(Давоми 2-бетда).

*Ифтихор*

**Профессионал боксда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган чарм қўлқоп устаси Руслан Чагаев ўз ғалабалари билан мухлисларини хушнуд этмоқда. Андижонлик боксчи куни кеча Германиянинг Гамбург шаҳридаги Color Line Arena спорт мажмуида профессионал боксчилик фаолиятидаги дастлабки чемпионлик жангини ўтказди. Шу пайтгача фақат рейтинг жангларида иштирок этган ҳамюртимиз украиналик боксчи Владимир Вирчиснинг профессионал бокснинг энг нуфузли – Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) ҳамда Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналишлари бўйича қитъалараро чемпионлик камарларига даъвогар бўлди.**



## РУСЛАН ЧАГАЕВ – ҚИТЪАЛАРАРО ЧЕМПИОН!

Икки енгилмас боксчи ўртасида ўтказилган мазкур беллашув кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди. Айни пайтда Муҳаммадқодир Абдуллаев билан бирга Германиянинг Universum Box Promotion клубида шуғулланаётган боксчи, бунгача профессионал рингда 20 марта жанг ўтказиб, шулардан ўн тўққизтасини ўз фойдасига ҳал қилган, 16 марта рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратиб, битта учрашувда дуранг натижа қайд этганди. Кейинги пайтда ўзининг кескин ҳужумларга бой усули ва кучли, аниқ зарбалари билан рақиблари устидан кетма-кет зафар қучаётган Руслан Чагаевнинг жангларига мухлису мутахассислар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Руслан Чагаевнинг бу галги рақиби ҳам профессионал бокснинг энг кучли вакилларидан бири бўлди. Ўзбекистонлик боксчи сингари кучли зарбага эга Владимир Вирчис 1999 йилдан буён профессионал рингда йигирмата жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган ва ўн еттита учрашувда рақибларини нокаутга учратган, фаолиятида турли йўналишлар бўйича чемпионлик камарларини қўлга киритган.

Маҳорат ва тажриба бобида бир-биридан қолишмайдиган ҳар икки енгилмас чарм қўлқоп устасининг кескин ва муросасиз жанги Гамбургда ўтказилган бокс мусобақасини безади. Беллашув давомида рақибига нисбатан фаолроқ ҳаракат қилган Руслан Чагаев бир неча марта кучли ва аниқ зарба беришга эришди. Натижада учрашувда ҳисоб-китоб билан шуғулланган уч нафар ҳакамдан иккитаси баҳс 116:112 ва 115:114 ҳисобида ўзбекистонлик боксчи фойдасига ҳал бўлганини маълум қилди.

Шундай қилиб, очколар ҳисобида устун келган Руслан Чагаев йигирманчи ғалабасини нишонлади ва WBO ҳамда WBA йўналишлари бўйича қитъалараро чемпионлик камарларини қўлга киритди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят худудий бирлашмаси дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда 15 март — Халқаро истеъмолчилар куни муносабати билан «Энг юксак маданиятли истеъмолчи» кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди.**

## МУХБИРЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Унда танловнинг «Газетадаги энг яхши мақолалари учун», «Журналдаги энг яхши мақолалари учун», «Энг яхши радио эшиттириши учун» ва «Энг яхши нашр учун» йўналишлари бўйича республика ва вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашишди. Танловда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари мухбирлари Ҳасанбой Саъдуллаев ва Алла Клинова истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини жойларда бажарилиши юзасидан эълон қилинган турли суҳбат ва таҳлилий мақолалари билан иштирок этиб, «Газетадаги энг яхши мақолалари учун» йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Танлов якунида барча ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Таълим ва ислоҳот*

## ҒАМХЎРЛИК БЕСАМАР КЕТМАЙДИ

**Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг бу борадаги қатор Фармон ва қарорлари таълим соҳасини янгилаш, уни жаҳон андозаларига мос тарзда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Хусусан, Юртбошимизнинг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида малакали ўқитувчилар ёрдамида таълим сифатини яхшилаш, мактабларнинг моддий-техник базасини янгилаш билан бир қаторда таълим масканларини тубдан реконструкция қилиш ва замонавий, қулай ўқув муассасаларини бунёд этиш кўзда тутилган.

Мазкур Фармон ижроси юзасидан Бекобод шаҳрида қилинаётган ишлар,хусусан, умумтаълим мактабларининг ҳозирги кундаги аҳволи билан қизиқдик. Шаҳарда 17 та умумтаълим мактаби бўлиб, ажратилган маблағлар ва ҳомий ташкилотлар кўмагида барчаси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилмоқда. Шаҳар халқ таълими бўлими берган маълумотларга қараганда, давлат дастурига мувофиқ 2004 йили 4 та, 2005 йил 6 та умумтаълим мактаблари қайта реконструкция қилинган. Шу билан бирга 1-, 5-, 11-, 13-мактаблар капитал таъмирдан чиқарилиб, жами 638 миллион 255 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу йил эса қолган учта мактабни капитал таъмирдан чиқариш режалаштирилган.

Шаҳардаги қайта реконструкция қилинган мактабларнинг моддий-техник базаси, ичимлик суви ва иссиқлик билан таъминланиш даражаси, санитария ҳолати, ошхоналар, спорт заллари ва майдончалар белгиланган талабларга жавоб бераётгани қувонарлидир. Жумладан, 1176 ўқувчига мўлжалланган 5-умумтаълим мактаби ҳам замонавий қулайликларга эга бўлди. Муассасага 86 миллион сўмлик мебель жиҳозлари келтирилди. 891 миллион сўм маблағ қурилиш-монтаж ишларига сарфланди. 200 ўринли фаоллар зали, 34 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона, ошхона ва спорт майдончалари ўқувчилар ихтиёрида.

13-умумтаълим мактабида шаҳар бўйича энг катта спорт зали қурилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. 540 квадрат метр майдонни қамраб олган иншоотда қурилиш ишлари ниҳояланиш арафасида. Бу ерга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими томонидан 7,5 миллион сўмлик спорт анжомлари туҳфа этилди.

Бекобод шаҳридаги мактабларнинг замонавийлик ва қулайлик касб этишида қатор пудратчи ташкилотлар ҳамда «Ўзметкомбинат» корхонасининг ҳомийлик ёрдами катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўйлаймизки, бундай эзгу ишлар ва хайрли саъй-ҳаракатлар тобора кенгайиб бораверади.

**Мўмин ИБОДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИ

**Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳузуридаги "Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компанияси 2005 йил якунларига кўра, республика тижорат банклари фаолиятининг рейтинги натижаларини эълон қилди.**

2005 йил якунлари бўйича ўтказилган ушбу рейтингда фаолият юритаётган 29 та банкнинг 23 таси иштирок этди. "Ахбор-рейтинг" экспертларининг таъкидлашича, банклар рейтинги ўртача аҳамиятининг ошаётгани кузатилмоқда, уларнинг фаолиятида кўламдорлик ва ишончлилик каби кўрсаткичлар яхшиланмоқда.

Банклар даромади бўйича якуний рейтинг баллари банк операциялари даромад келтиришининг учта кўрсаткичига – устав капитали, акционерлик капитали ва умумий активлар рентабеллилигига асосланган. Молия бозорларида инфляция даражаси ва фоиз ставкаларининг пасайиши банк фаолиятининг рентабеллиги даражасига таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, республикада банк операцияларининг ўртача рентабеллик кўрсаткичи анча юқорилигича қолмоқда. 2005 йил натижаларига кўра, "Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компаниясининг асосий кўрсаткичлар бўйича рейтинг жадвалида ўринлар қуйидагича тақсимланди. Йирик тижорат банклари орасида "Пахта-банк", "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Ғалла-банк" етакчи ўринларни эгаллади. Энг кўпсонли гуруҳ ўрта банклар гуруҳи бўлиб, унда 10 та банк бор. "Кредит-Стандарт" биринчи, "Ҳамкорбанк" иккинчи ва "Алп Жамол" учинчи ўринни эгаллади. Кичик банклар орасида "Давр-банк", "Ўктам-банк" ва "Туркистон-банк" энг юқори балл тўплади.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий маҳорат ва малакасини оширишда мунтазам ўтказиб келинаётган семинар-машғулотларнинг аҳамияти каттадир.**

## САМАРАЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Яқинда Қибрай туманидаги 10-мактабда тил ва адабиёт фани ўқитувчиларининг навбатдаги анъанавий семинари бўлиб ўтди. Унда тумандаги 50 га яқин умумтаълим мактаблари, махсус лицей ва гимназияларда фаолият юритаётган фан фидойилари ўзаро тажриба алмашиб, она тили ва адабиёт дарсларини юқори даражада ташкил этиш, ўқувчилар қизиқишини орттириш, таълим самарадорлигини оширишда интерфаол услублар билан бир қаторда ноанъанавий йўналишлардан ҳам кенгроқ фойдаланиш хусусида мунозара юритдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

ВИЛОЯТ ХАЁТИ

## ИЖОДИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

**Юқоричирчиқ туманидаги 10-умумтаълим мактабида халқимизнинг ардоқли ва севимли шоираси Зулфияхоним таваллудига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.**

Унда 7-, 11-синф ўқувчилари ўртасида шоира ҳаёти ва ижодига тааллуқли саҳна кўринишлари, ифодали шеър ўқиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра 7-«А» синфнинг «Зулфияхоним» жамоаси ғолиб деб топилди. Уларга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

**Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг дастлабки турлари бу йил ҳам юқори савияда ўтказилиб келинмоқда.**

## ЙЎЛЛАНМАСИ ЭНДИ НАҚД

Мусобақалар таркибига киритилган волейбол баҳсларининг ҳудудий босқичи Ангрен шаҳрида ўтказилди. Унда Олмалиқ шаҳри терма жамоаси аъзолари пешқадамликни қўлдан бой бермаган ҳолда ҳаракат қилишди. Шоҳсупанинг қолган ўринлари мезбон спортчилар ҳамда Оҳангарон шаҳри вакилларига насиб этди.

Оҳангарон шаҳрида ташкил этилган баскетбол беллашувлари ҳам муросасиз ўтди. Қизғин учрашувлар натижаларига кўра биринчи ўринни ангренлик ёшлар эгаллашган бўлишса, Олмалиқ вакиллари иккинчи ўринни банд этишди. Оҳангарон шаҳри жамоаси эса учинчи ўрин билан кифояланишди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## МУНОСИБ ЮТУҚЛАР БИЛАН

**«Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашёлари ўзининг сифати билан буюртмачилар эътиборини қозониб келмоқда. Корхонага халқаро стандарт асосида сифат менежменти тизими бўйича Сертификат берилганлиги ҳам бежиз эмас.**

Ўтган йили меҳнатда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун корхона жорий йилда 29 миллиард 853 миллион сўмлик шифер, 2 миллиард 462 миллион сўмлик тўрт хилдаги асбецемент қувурлари ишлаб чиқаришни, шунингдек, 272,4 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Айни кунларда жамоа аъзолари Наврўз айёмигача 7 миллиард сўмлик шифер, 5 миллион сўмликдан зиёд қувурлар ишлаб чиқариш учун суръатни янада оширмоқдалар.

**Мунира ИСАЕВА.**

# САРА ЧИГИТ ПАХТАКОРЛАРГА

**Чигит экиш мавсуми ҳам яқинлашиб келмоқда. Барча пахтачилик хўжаликларида сўнгги тайёргарлик бормоқда. Экиш агрегатлари таъмирланиб, шай ҳолатга келтириляпти.**

Бу муҳим агротехник тадбирга «Чиноз пахта тозалаш корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшади. У ҳар йили тумандаги ширкат ва фермер хўжаликларига эҳтиёжга қараб чигит уруғлари етказиб бермоқда. Бу йил пахта тозаловчилар зиммаларига юклатилган вазифани барвақт бажариб қўйдилар. Улар 400 тонна С 65-24 навли пахта чигитини тахт қилдилар. Унинг 256 тоннаси биринчи репродукция, 144 тоннаси иккинчи репродукция уруғлари бўлиб, униб чиқиш даражасининг 93-95 фоиз бўлиши кафолатланади.

***СУРАТЛАРДА:** (юқорида) чигитни дорилаш цехи операторлари иш устида; корхона тайёрлов бўлими бошлиғи Нурмуҳаммад Тошматов ва етакчи мутахассис Муродилла Сатторқулов.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**





*Шундайлар бор бўлсин*

# ТАШЛАНДИҚ ЕР БОҒГА АЙЛАНДИ...

**Абдусалом акани фақат иқтисодчи, десам, бинойидек шеърлар, ҳикоялар, публицистик мақолалар ёзади. Ижодкор десам, замондошлар тан олган олимлар даражасида фикр юритади.**

Иқтисодий муаммоларга доир қизиқарли мақолалари республикамизнинг марказий газеталарида тез-тез босилиб туради. Материаллари мавзусининг долзарблиги, таҳлилнинг чуқурлиги, тилининг равонлиги таъкидланиб, таҳририят йиғинларида мақтовларга сазовор бўлгани ёдимда.

Ҳар қалай у йўл-йўлакай олимлардан эмаслиги ҳам тайин. Иқтисод фанлари номзоди сифатида саксондан ортиқ илмий мақола, ўндан зиёд ихтирочилик таклифлари, бир неча рисола, услубий қўлланмалар муаллифи.

У республикамиздагина эмас, хориждаги кўплаб илмий анжуманларда ҳам бир неча бор қатнашиб, ўз сўзини айтган. Илмий нуқтаи назари ва қарашларини жамоатчиликка манзур қила олган олим. Москвда «Ўзбекистонда нарх ахборотини автоматлаштириш» (1989 й.), собиқ Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида эса «Пахта таркибидаги тола миқдорини аниқлашнинг математик модели» (1988 й.) мавзуларида қизғин маърузалар қилган.

Абдусалом акани республика миқёсидаги бошқарув идораларида дийдаси қотган, қатъий сумбатли раҳбар, дейин десам, бир гапириб, ўн куладиган одамохунлиги «халақит беради». Одми, киришимли бўлганиданми, уни ҳеч ким бир пайтлар республика Пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва сотиш ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари бўлган, деб ўйламайди.

Яқинда Россиянинг қайсидир газетасида «Муваффақиятсизликларнинг бош омили халқ хўжалиги бошқарув тизимини аксарият ҳолларда амалиётчи олимлар эгаллаб турганидир. Назариётчилар фикри ҳал қилувчи мезон бўлмас экан, иқтисодий бўҳронлардан қутилиш ҳақида ўйлаш ўринсиз», деган фикрни ўқиб қолдим. Бу баҳсли мулоҳазани бежиз эсламадик. Ушбу иддаода қанчалик жон бор, билмадик. Бироқ, худди шу ҳолатда ҳам Абдусалом аканинг яна бир қирраси намоён бўлди. Яъни у илмда назария билан амалиётни, идорачиликда раҳбарлик салоҳияти билан халқчил-кирчималлик меъёрини мутаносиб ушлаган одам, дейиш мумкин.

У то юқори идораларга раҳбарлик вазифаларига тайинлангунча, «Пахтани қайта ишлаш корхоналарини автоматик усулда бошқариш» мавзусида илмий изланишлар олиб борди. Шу билан бир пайтда иқтисодиёт институтида катта илмий ходим, бўлим бошлиғи, кафедра мудири, профессор сифатида илм-фан равнақи ва тарғиботи йўлида баҳоли қудрат жонбозлик кўрсатди. 1992 йили Муҳандислик академиясининг академик маслаҳатчиси лавозимига ҳам сайланган.

Хўш, айни кунда у ким дерсиз?

Олтмиш беш ёшни қоралаб бораётган Абдусалом Турсунов бугун — деҳқон. Ҳа-ҳа, деҳқон. Аниқроғи, тиниб-тинчимас, ғайратли, ҳаловатни ҳеч қачон ёнига йўлатмайдиган боғбон. Унинг Янгийўл туманидаги чоғроққина деҳқон хўжалигида бугун нималар ўсмайди, дейсиз.

— Аслида бу дўнглик ер собиқ «Халқобод» агросаноат бирлашмасининг заҳарли дори кўмиладиган, ҳандақ жойлар бўлган экан, — дейди у бизни ўзининг боғ-роғлари билан таништирар экан. — Хўжалик раҳбарлари шу ерни сизга хатлаб қўямиз, бир гуллатиб берасиз, дейишганида, тўғриси бироз чўчидим. Ҳар қалай, неча замонлардан бери кетмон тегмай ётган ерни «одам» қилиш қўлимдан келармикин, деб ўйладим.

Ўша кунларда Абдусалом ака орият ўлимдан қаттиқ, деган гапнинг маъносини яна бир бор чақди. Тўғри-да, бошида ерга оғиз солмаслик керак эди. «Ҳурматингни қилиб, сазангни ўлдиришмади, хўжаликка аъзо қилиб олишди, ер ажратишди. Энди дамингни чиқармай, ишга киришасан, Абдусаломбой», — хаёлидан ўтказди у. Қолаверса, пойтахтда ялло қилиб, карриллаб юрган одам қани, нима каромат кўрсатаркин, деб разм солиб турганлар ҳам йўқ эмас эди.

Бугун Абдусалом Турсунов ихтиёрига берилган ўша ташландиқ ерлар бир боғ бўлди — кўрган кўз қувонади. Бу сўлим гўшада ўзимизда ўсадиган деярли барча тансиқ меваларни учратиш мумкин. Европа, Америка, Африка иқлими, тароватини уфуриб турувчи гуллар, дов-дарахтлар ҳам талайгина. Ҳайвонлар, парранда-даррандаларни айтмайсизми.

Хуллас, Абдусалом акадаги ерга бўлган меҳр, завқ-шавқ, ҳафсала, иштиёқ деҳқонман, деб кўкрагига уриб юрган кишиларнинг кўпчилигида йўқ. Ер оламан, экиб-тикаман, парранда, мол боқиб, фермерлик қиламан, деган одам кўп. Бироқ Абдусалом акадаги орият, лафзида қатъийлик, меҳнатга сидқидилдан муносабат, афсуски, ҳаммагаям насиб қилавермайди.

Абдусалом Турсуновнинг олимлик фаолиятида пахта толаси билан боғлиқ муаммо алоҳида бўлган, дедик. Ҳа, тугун ечими уни тинимсиз безовта қиларди.

Унинг 1987 йили «Правда Востока» газетасида чоп этилган «Сколько волокна в хлопке?» мақоласи ҳам ана шу муаммо — пахтадаги тола миқдорини математик усулда аниқлаш тажрибасига бағишланган эди. Мақола республика жамоатчилигини бефарқ қолдирмади.

Кўп ўтмай, муаллиф билан материални уюштирган журналист республика Давлат режа қўмитасининг Қишлоқ хўжалик бошқармасига таклиф этилдилар. Бошқарма бошлиғи идорасидаги илиқ суҳбат асносида янги усул устида ишлаётган олимга, уни матбуотга олиб чиқишга ҳисса қўшган журналистга миннатдорчилик билдирилди.

Юқорида биз гапни Абдусалом аканинг ижодга ҳам ихлосмандлигидан бошлаган эдик. Ҳа, у кишининг асарлари бадиий жиҳатдан пишиқ-пухта эмасдир. Бироқ улар унинг «Халқобод»даги боғларида яшнаб турган анвойи ўсимликларидай анча ёқимли, тароватли. Шу ўринда Абдусалом аканинг республика газеталаридан бирида чоп этилган шеърларидан иккитагина тўртликни мисол тариқасида келтирамиз:

*Хонада бир чечак ўсди, гуллади,*
*Ифорлар уфурди ва тезда... сўлди.*
*Мен дедим: «Бунча бемеҳрсан, дунё?»*
*У деди: «Сенга ҳам қилмайман вафо!»*

* * *

*Тўлқинлар кучидан яралган кўпик,*
*Тўлқинга йўл бермай, чопар илгари.*
*Харсанглар пойида йўқолди, кўрдик,*
*Поймол бўлган орзу сингари.*

Абдусалом Турсунов бугун олти қобил фарзанд, йигирмага яқин набиралар оғушида пиру бадавлат отахон. Бироқ у киши ҳеч қачон ноз-неъматлар етиштириш, ақлий, жисмоний меҳнат қилишдан тўхтаган эмас. Қандай ишга қўл урмасин, у хоҳ илм, хоҳ деҳқончилик, хоҳ ижод бўлсин, ибодатга юкингандай ихлос ва қатъият билан киришади. Ибодат эса юракдан чиқмоғи, самимий, таъмадан ҳоли бўлмоғи лозимлигини теран ҳис этади.

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.**



# БОЛА БОШИДАН

«Тошкент ҳақиқати» газетасидаги «Газета ва газетхон» рукни остида бериладиган мақолаларни доим кузатиб бораман. Ундаги турли қарашлар, фикр-мулоҳазалар менда катта қизиқиш уйғотади. Айниқса, яқинда «Фарзанд тарбияси ҳақида беш мактуб» номли умумсарлавҳа остида берилган муштарийлардан келган мактублар ҳам баъзи мулоҳазаларни уйғотди.

Фарзанд тарбиясида жуда кўп омиллар муҳим ўрин тутади. Боланинг маънавий ҳамда эстетик тарбияси, айниқса, бирламчи ҳисобланади.

Бугунги кунимизга эътибор берсак, кўп ҳолларда ёш йигит-қизларда миллий қадрият ва анъаналарнинг тобора йўқолиб бораётганлигини кўриш мумкин. Ҳозир кўча-кўйда она сути оғзидан кетмаган ўсмирлар шарм-ҳаёсиз кийим-бошдалигини кўрасиз. Кўпчилик ота-оналарга бу ҳақда эътироз билдирсангиз «нима бўпти, ҳали ёш бола бўлса» деган жавобни эшитасиз. Ахир ниҳолни ҳам ёшлигидан парвариш қилишади. Унга рисоладагидек эътибор берилсагина, кутилган самарага эришилади. Бола ҳам бамисоли ниҳол, кичиклигидан тарбиянинг мақбул йўлларига солинсагина қобил бўлиб етишади. Бунда эса ота-боболаримиздан авлодларга ўтиб келаётган тарбиявий анъаналар муҳим аҳамиятга эга.

***Шерали ҲАЛИЛОВ,***
***педагог.***




# ҚЎЛДАГИ ЧИПТА ЁХУД «ТИРИКЧИЛИК»

Яқинда бир юмуш баҳона шаҳарга келдик. Шу куни халқимиз суйган бир санъаткорнинг концерти бўлиши керак эди. Бир йўла маданий ҳордиқ чиқариб қайтиш мақсадида «Халқлар дўстлиги» санъат саройига бордик. Ҳали машинадан тушиб улгурмасимизданоқ икки-уч киши атрофимизни ўраб олди.

— Опажон, кимнинг концертига билет керак, — шанғиллади улардан бири.

Муддаони айтдим ва чипта нархини сўрадим.

— Қаторига қараб-да, — иккинчиси гапга қўшилди. — Олди қаторлар қимматроқ. Қаеридан бўлсин, опа?

— Ўртароқ қаторлардан бўлса, яхшийди, — дедим.

— Сиз учун ўн минг сўмдан қилиб берамиз, — деди учинчиси.

Уларга ҳеч нарса демай чиптахонага яқинлашдим. Йигитлар эса орқамдан шанғиллаб қолишди.

— Овора бўлманг, у ерда барибир билет қолмаган.

Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Сотувчи қиз чипта нархи беш минг сўмлигини, аммо, қолмаганини, ҳаммаси қўлга чиқиб кетганини айтди.

Ўйлаб қолдим, тиниб-тинчимаган одамлар, пул топиш учун нималар қилмайдилар-а? Аммо кўпчилик санъат ихлосмандларини маданий ҳордиқ чиқаришдан бебаҳра қилаётганларини ҳам билармиканлар?

Ахир ҳамманинг ҳам бундай нархда чипта сотиб олиб, концерт томоша қилишга қурби етмайди-ку.

Қолаверса, кўпчилик манфаатларига зид келувчи бундай тижорат турини назорат қиладиган идора ёхуд масъул кишилар борми?

***Камола ЙЎЛДОШЕВА,***
***Паркент тумани.***

*Танлов*

# БАҲСЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Айни кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят ҳудудий босқичлари бўлиб ўтмоқда.**

Олмалиқ шаҳридаги қурилиш уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган дастлабки ҳудудий босқичда Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари, Ўртачирчиқ ва Оҳангарон туман ўқувчилари ўзаро баҳс олиб бордилар. Натижаларга кўра, Оҳангарон шаҳрининг «Турон» жамоаси учинчи, Олмалиқ шаҳрининг «Мозийдан садо» жамоаси иккинчи, Ангрен шаҳрининг «Темур ворислари» жамоаси эса, биринчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, иккинчи ҳудудий босқич Қибрай туманидаги 14-умумтаълим мактабида ўтказилди. Унда Паркент, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Қибрай, Тошкент тумани ҳамда Чирчиқ шаҳри ўқувчилари тарихга доир ўз билимларини синаб кўрдилар. Учинчи ўринни Паркент туманининг «Темур ворислари», иккинчи ўринни Бўстонлиқ туманининг «Мозийдан садо», биринчи ўринни Чирчиқ шаҳрининг «Турон» жамоалари эгалладилар.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди. Бошқа ҳудудларда ҳам ғолиблар аниқ бўлгач, ангренлик ва чирчиқлик ўқувчилар вилоят босқичида баҳсни давом эттирадилар.

**Гулруҳ ОМОНОВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети 1-курс талабаси.**

# СИЗ ҲАМ МАШИНА ЮТМОҚЧИМИСИЗ?

Телеэкранлардаги лотереяларнинг тиражи ҳамда рекламалари тобора кўпчиликнинг ғашига тегмоқда. Телевизорни қайси каналга созламанг ҳали «Аъло ўйинчи», ҳали «Яхши ният», ҳали «Жокер» каби яна бир қанча ютуқли ўйинларга кўзингиз тушади.

Мен уларни кескин танқид қилишдан йироқман. Ҳар ҳолда баъзи юртдошларимиз автомобиль ёки совутгич каби ютуқларга эга бўлишаётгандир, деган андишам бор. Аммо лотереялар рекламаси меъёридан ошиб кетаётгани асабга тегади, малол келади.

Мовий экранларда биргина лотереялар эмас, бошқа рекламаларнинг ҳам тобора кўпайиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Бирор бадиий фильм намойиш этиладиган бўлса, кино учун белгиланган вақт ҳисобидан ҳам реклама блоклари эфирга узатилади. Бундай вазиятда ҳар қандай асаби мустаҳкам кишининг ҳам тутоқиб кетиши табиий.

Тўғри, реклама эгалари бунинг учун катта миқдорда пул тўлашади. Аммо тижорат деб, томошабин манфаатларини унутиш мумкинми?

Телевидение мутасаддилари бу ҳақда ўйлаб кўришса фойдадан ҳоли бўлмасди.

***Дилмурод КАМОЛОВ,***
***пенсионер.***

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

## Бир мавзуга оид хатларга жавоблар

***Сўнгги пайтларда таҳририятга йўл ҳаракати қонунбузарликлари учун давлат томонидан белгиланган жазо турлари билан боғлиқ талай саволлар келмоқда. Қуйида уларнинг баъзилари билан танишишингиз мумкин. Саволларга вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарғибот ва ташвиқот бўлими нозири Исроилхўжа Сайдикаримов жавоб беради.***

**Савол:**

Яқинда Қибрай тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими ҳайдовчилик гувоҳномамни олиб қўйди. Унинг айтишича, автомобилимнинг тўхташга ишора қилувчи чироғи яхши ишламаётган эмиш. Бундай пайтда нозир ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишга ҳақлими? Мен бундай вазиятда нима қилишим керак?

***Шавкат ИСРОИЛОВ.***

**Жавоб:**

Нозир автомобилингизнинг техник ҳолатига эътироз билдириб, ҳайдовчилик гувоҳномангизни олишга ҳақли. Бундай пайтда сиз аввало, уловингизни созлаб, техник кўрикдан ўтказиб ва белгиланган жаримани тўлаб, ҳужжатингизни олишингиз мумкин.

Фойдаланилиши ман этиладиган даражада носоз бўлган транспорт воситаларини бошқарганлик учун энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмигача миқдорда жарима солинади. Бу эса бугунги кун ҳолатига кўра, 188 сўмдан 3133,3 сўмгача тўғри келади.

* * *

**Савол:**

Хориж фильмларида бир ҳолатга доим эътибор бераман. ЙҲХ ходими йўл ҳаракати қоидаси бузилганда, автомобилни ишора билан тўхтатади. Аммо, ҳайдовчи машинадан тушмаган ҳолда нозир билан муомала қилади. Бизда эса аксинча. Умуман, Ўзбекистонда бу масалада тартиб-қоида қандай?

***Акбар ОЧИЛОВ, талаба.***

**Жавоб:**

Тўғри, белгиланган қоидага кўра, ҳайдовчи нозир буйруғи билан тўхтаган бўлса-да, машинадан тушмаслиги лозим. Чунки, бу ҳолатда ҳайдовчининг нозир хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган жиҳатлар ҳисобга олинган. Ўзбекистонда ҳам шу қонун-қоида жорий этилган.

* * *

**Савол:**

Автомобилларнинг ойнасини қорайтириш меъёри бузилса, қандай жазо тури белгиланган?

***Аваз РИХСИЕВ, Зангиота тумани.***

**Жавоб:**

Агар белгиланган меъёрдан ошган кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланилса, энг кам иш ҳақига тенг миқдорда жарима солинади. Худди шундай ҳолат бир ҳайдовчи томонидан бир йил ичида иккинчи марта содир этилса, энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида жаримага тортилади.

* * *

**Савол:**

Кўп ҳолларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг яширин жойларда туриб, қоидани бузган ҳайдовчиларни «қўлга туширишларига» гувоҳ бўламиз. Бунга уларнинг ҳаққи борми?

***Жамшид КАРИМОВ.***
***Чирчиқ шаҳри.***

**Жавоб:**

Йўл нозирлари уч ҳолатда қоидабузарликларни аниқлашга ҳақлилар. Яъни яширин, ошкор ва аралаш ҳолатларда. Ушбу ҳолатларда ҳар қандай қоидабузарлик бартараф этилиши мумкин.

* * *

**Савол:**

Яқинда кўчамизга кириш тақиқланишини билдирувчи йўл белгисини ўрнатиб қўйишибди. Бундай белгилар ким томонидан ва нимага асосланиб ўрнатилади?

**Исоқ МАҚСУДОВ,**
**талаба.**

**Жавоб:**

Бундай йўл белгиларини ўрнатиш маҳаллий бошқарув идораларининг ваколатидаги вазифа. Улар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг транспорт ҳодисаси кўпайган ҳудудлар бўйича киритган маълумотларига асосан шундай йўл белгиларини ўрнатадилар.

# ДОМЛАНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ-У...

Яқинда иш билан автомобилда кўчага чиқдим. Катта йўлда бораркнман, чорраҳадаги бир ҳолат мени ажаблантирди. Барча автомобиллар қизил чироққа тўхтаб турибди. Қаердандир ички ишлар идораларига тегишли «Nexia» пайдо бўлдию светофорга ҳам қарамай, турган машиналарни қувиб ўтиб, яшил чироқда ҳаракатланаётган автомобилларнинг орасини ёриб кетди. Қизиқ, барча автомобиль эгаларига тегишли қонун-қоидалар айни қоидабузарликларни тартибга солувчиларга таaллуқли эмасми? Ахир, шу қоидабузарлик сабаб бирор фалокат юз бериши мумкин-ку.

Шуни айтсалар керакда, домланинг айтганини қилгину, қилганини қилма, деб.

***Шарифжон ҚОСИМОВ.***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорлари ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилишини**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. «ГАЗ-322132-224» русумли автомобиль, давлат рақами 30 J 65 01, техник носоз, **бошланғич нархи — 4 000 000 сўм.**
2. «АЗАК» М-21406 русумли автомобиль, давлат рақами 11 V 50 46, техник носоз, **бошланғич нархи — 500 000 сўм.**
3. «ГАЗ-66» русумли автомобиль, давлат рақами 11 L 63 91, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 438 267 сўм 12 тийин.**
4. «УАЗ-469» русумли автомобиль, давлат рақами 11 N 03 65, техник носоз, **бошланғич нархи — 240 000 сўм.**

Кимошди савдоси (аукцион) 2006 йил 28 март куни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлимида — Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватида ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилар бўлинмасида якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Ариза қабул қилиш кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун олдин тўхтатилади.

Кимошди савдоси Тошкент вилояти Судлар департаменти биносида бўлиб ўтади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават.

Тошкент тумани, генерал К. Ғафуров кўчаси, 10-уй (ариза қабул қилиш).

**Маълумот учун телефонлар:**
152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

*Футбол*

# ҲАР ҲОЛДА ҚУРУҚ БЎЛМАДИ

**Футбол мухлислари орзиқиб кутган 15-миллий чемпионат байроғи кўтарилди. Бу йилги мавсумда олий лигада 16 жамоа иштирок этади. Ўтган мавсумдаги биринчи лига ғолиблари «Хоразм» ва «Андижон» жамоалари олий табақага қўшилди.**

Мамлакатимизда футбол мавсуми миллий терма жамоамизнинг «Осиё кубоги — 2007» саралаш босқичи учрашувлари билан бошланиб, «Пахтакор» ва «Машъал»нинг Осиё чемпионлар лигасидаги учрашувлари билан давом эттирилди.

Мана ниҳоят, Тошкентдаги «Жар» ўйингоҳида «Локомотив» ва «Трактор» ўртасидаги учрашувда чемпионат байроғи биринчи бор кўтарилди. Бу мусобақада тракторсозлар 2:1 ҳисобида зафар қучдилар.

Якшанба куни эса олти учрашув бўлиб ўтди.

Олий лигада вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган Бекободнинг «Металлург» жамоаси Андижонда майдон эгаларига қарши баҳс юритди. Учрашувда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Мамлакат чемпиони «Пахтакор» ўз майдонида «Самарқанд-Д» жамоасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғолиб чиққан бўлса, «Тўпаланг» — «Шўртан» жамоалари учрашувида ҳам шундай натижа қайд этилди.

Иккинчи тур учрашувлари 17 март, жума куни бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида «Пахтакор билан баҳс юритади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

**Ҳар йили кўклам келиб, баҳорнинг илиқ шамоли эсиб, бутун борлиқни гўзалликка буркаётган пайтда ўтказиладиган варрак учириш бўйича анъанавий республика биринчилиги ёшларнинг энг севимли мусобақаларига айланган десак, муболаға бўлмайди.**

# КИМНИНГ ВАРРАГИ УЧҚУР?

Зеро, кичкинтойлар бу ажойиб байрамга ҳар сафар катта қизиқиш ва ўзгача иштиёқ билан тайёргарлик кўрадилар. Чунки, болажонларнинг ўз қўллари билан ясалган варракларининг чиройли кўриниши, қанчалик баланд ва узоққа учишига қараб, ҳакамлар одил баҳолайдилар ва совринли ўринларнинг муносиб эгалари бўлган ғолибларни аниқлайдилар.

Республика Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбарлигида Чирчиқдаги Жалолиддин Мангуберди номли спорт мажмуида ўтказилган бу йилги республика биринчилиги янада байрамона тусда, қизиқарли кечди. Болажонлар варракнинг «Лайлак», «Коробка», «Варрак» синфларига мансуб турлари бўйича ўз қобилиятларини намойиш этишди. Мусобақада 12 та жамоага бирлашган 76 нафар бола иштирок этди.





Биринчилик якунида дастлабки учта совринли ўринларни Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари қўлга киритди. Шахсий ҳисоб бўйича эса 9 бола, (ҳар бир варрак туридан уч кишидан) республика биринчилиги ғолиби бўлди. Лекин афсуски, улар орасида бизнинг вилоятимиз вакиллари йўқ.

***СУРАТЛАРДА:** мусобақадан лавҳалар.*
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*Тақдимот*

## «ПЎШТ, АРАВА!»

**Алишер Навоий номидаги кино саройида «Пўшт, арава!» фильмининг тақдимоти ўтказилди. Мазкур фильм ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст сценарийси асосида режиссёр Ҳилол Насимов томонидан ART-Zamon студиясида суратга олинган.**

Фильм «Дев билан пакана»нинг ғоявий давоми бўлмасада, иккала кинокомедия ўртасида уйғунлик бор. «Дев билан пакана» фильмининг бош қаҳрамони Зулфиқор «Пўшт, арава!»да ҳам иштирок этади. Воқеалар Зулфиқорни Тошкентга, қишлоқдаги жиянини бозорга ишга жойлаш мақсадида келиши билан бошланади.

Ундаги асосий қаҳрамонлар ролини Ражаб Адашев, Жумадулла Раметов, Азиза Бегматова, Ноила Тошкенбоева, Ўткир Муҳаммадхўжаев, Шуҳрат Нуралиев каби актёрлар ижро этишган.

**«Туркистон-пресс».**

## «ЙЎЛ БЎЛСИН...»

**Республика киночилар уйида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Шод” ижодий уюшмаси ҳамкорлигида суратга олинган “Йўл бўлсин...” фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Фильмда – ёш актёрлар Зарина Низомиддинова, Азиз Раметов, таниқли актёрлардан Муҳаммад Абдураҳимов, Саида Раметова ва Гўзал Аҳмедовалар суратга тушгани томошабинларнинг қизиқишини янада орттирди. Сценарийни Шомирзо Турдимов ёзгани, фильм режиссёри Қамара Камолова эканини ҳам мухлисларни беэътибор қолдирмади. Фильмда юртимизнинг чекка қишлоғида яшаётган ўзбек оиласининг ҳаёти акс этади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

# ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ТАНЛОВИ

**Пойтахтимизда Республика ёш мусиқачилар кўрик-танлови бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди.**

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг пухта ва мукаммал таълим олиши учун барча имкониятларни яратиш, иқтидорли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Қобилиятли ёшларни аниқлашда республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танлов ва фестивалларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, бундай ижодий беллашувлар турли нуфузли халқаро мусиқа танловларида совринли ўринларни қўлга киритган Фазлиддин Ҳусанов, Даниил Ҳолиқов, Динара Рисалиева, Беҳруз Неъматов каби мусиқачиларнинг истеъдод қирралари намоён бўлишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мусиқа мактаблари, санъат йўналишидаги лицейлар ва коллежлардан юз нафарга яқин ёш мусиқачи иштирок этди. Улар орасида Успенский ҳамда Глиэр номидаги республика махсус мусиқа лицейларининг ўқувчилари энг яхши натижага эришди. Кўрикда ўзбек бастакорлари билан бирга жаҳоннинг етакчи композиторлари асарлари ижро этилди.

Ушбу таълим муассасалари ўқувчилари Юлия Шек, Комрон Отажонов фортепьяно бўйича, Нилуфар Муҳиддинова ҳамда Аҳмад Азизов скрипка ва виолончель ижрочилиги бўйича Гран-прига сазовор бўлдилар.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

АСР ДАРДИ

# БОЙКАСАЛ



ЯКУНЛОВЧИ МАҚОЛА:

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Шавкат ака ишбилармон, топиш-тутиши дуруст киши эди. Қўлини қаёққа узатса етарди. «Нимаики қилсам, ҳаммаси яккаю-ягона ўғлим Шуҳратжоннинг бахт-иқболи учун», дегувчи эди.

Шуҳрат ўрта мактабни битиргач, Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ҳужжатларини топширди. Шавкат ака елиб-югурди, хуллас, ўғли ўқишга қабул қилинди.

Ўзи орзу қилган, шунинг учун умр бўйи тун демай, кун демай меҳнат қилиб келаётган ота бу воқеани юз кило гуруч дамлаб, эл-юртга ош бериш билан нишонлади. Ўша тантанада Шуҳратга оппоқ «Нексия»нинг калитини топширди. «Қийналмасдан ўқишга қатнаб юр, ўғлим», — деди.

Тўртинчи курсда ўқиётганида Тоҳир исмли бир курсдоши Шуҳратни қишлоғига, тўйга олиб кетди. Базм оқшоми якунига етгач, Тоҳир улфатларини хонаки базмга таклиф қилди. Шу даврада Шуҳрат илк бор героин кайфини татиб кўрди. Шу-шу Тоҳир Шуҳрат учун ажралмас дўстга айланди. Улар қишлоққа серқатнов бўлиб қолишди. Шавкат ака ўғли қанча пул сўраса берарди-ю, аммо, «нималар қилаяпсан, бу пулларни қаёққа сарфлаяпсан», — деб сўрамасди. Олти ой ичида у ашаддий гиёҳвандга айланди.

Бу орада ишбилармон ота оғир дардга чалиниб, шол бўлиб ётиб қолди. Энди Шуҳрат олиб турган ҳисобсиз пуллар йўқ эди. Героин истеъмол қилмасдан туролмайдиган бўлиб қолган йигит «Нексия»ни ҳам сотиб юборди, уйдан қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб пуллашга тушди. Ўқиш ҳам аросатда қолиб кетди.

— Гиёҳванд моддаларни сақлагани ва истеъмол қилгани учун Шуҳрат қўлга олинди, — дейди вилоят Ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили Ҳасан Арслонов. — Суд ҳукми билан ўн йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ота-она кўчада бош кўтариб юра олмай қолишди, ғам-алам уларни адои-тамом қилди. Ўғил қамоқ муддатини ўтаётган йиллари улар афсус-надомат билан «ўтиб» кетишди. Бир томчи заҳриқотил пировардида изли-қутли бир оила иқболи-истиқболини барбод қилди.

... Янгийўл шаҳри кўчаларини кун бўйи айландим. Ҳамма ўз юмуши, ўткинчи дунёнинг ташвишлари билан банд. Очиқ, тунд, кулгичлари ўйнаб турган ёки қовоқ уйиб, рўпарасидаги одамга қаҳр билан ўқрайиб турган чеҳраларга тикиламан. Ҳаёл сураман. Шу шаҳарда бир неча йил илгари юз берган фожиани эслайман. Ўшанда тузуккина бир хонадоннинг фарзанди героин таъсири остида ўз волидаи муҳтарамасини уриб-тепкилаб, бўғиб ўлдирганди. Бу билан ҳам кифояланмай, руҳий жазавада она жасадини бўлакларга бўлиб, катта-кичик идишларга жойлаган, устидан цемент қуйиб, ҳовлининг пана жойларига ташлаб қўйганди.

Қўни-қўшнилар:

— Ҳабиба холам кўринмайдилар? — деб сўрашса, касофат ўғил:

— Холамларникида турибдилар, — деб хотиржам жавоб берарди.

Шаҳар марказий поликлиникасида гиёҳвандларнинг турли тоифаси билан суҳбатлашмоқдаман. Қаршимга ёшгина бир жувон келиб ўтирди. Кўзларида чексиз алам зоҳир.

— Янгийўлга Тошкент шаҳридан келин бўлиб тушган эдим, — ҳикоя қилади жувон. — Эрим ҳайдовчи, олис-олис юртларга юк таширди. Қайнонам, қайнотам инсофли, диёнатли одамлар эди. Иш, уй юмушлари билан вақт ўтганини сезмас, лекин эримнинг Россиями, Туркиями — хориж йўлларида эсон-омон юришини тилаб тонг оттирардим...

Лекин ҳайдовчи эр дардга чалиниб, Янгийўлда касалхонага тушиб қолди. Икки кун ичида уни бошқа касалхонага ўтказиб юборишди.

— У героинга ружу қўйғанлигини, аллақачон ОИТСга чалинганлигини дўхтирлардан эшитдим, — ҳикоясини давом эттиради аёл. — Мени ҳам текширишди, мен ҳам шу дардни юқтириб олганлигимни айтишди. Бир сонияда бутун ҳаётим, орзу-умидларим саробга айланди-қўйди.

Жувон узоқ ўтириб қолди. Ҳолати ниҳоятда ачинарли эди. Нималарни ўйлаяпти шу топда? Ҳаёлларидан нималар кечаяпти?

— Бедаво дардга чалинганимни айтишганида олти ойлик ҳомилам бор эди, — ниҳоят аёл яна сўзга кирди. — Бугун бир илинж мени бу ёруғ дунёда ушлаб турибди. Бу — ўғлим. Дўхтирлар обдон текширишди. Ҳайриятки, касаллик вирусидан ҳоли. Мени ҳаётга, яшашга талпинтириб турган шуъла мана шу...

Хонага баланд бўйли, елкадор бир йигит кириб келди. Стулга бетакаллуф ялпайиб ўтириб олди, оёқларини чалиштириб: «Хўш, менда нима гапингиз бор?» — дегандек менга тикилди. Кўзлари нурсиз эмас, йўқ, қандайдир совуқ, ёқимсиз ялтираб турибди. У ғайритабиий ҳаракатлар қилиб, бозорда сабзавот олиб сотиш билан шуғулланишини, ҳар куни кўп пул топиши кераклигини узуқ-юлуқ гапирди. Кўзлари шокосасида беўхшов айланади, гоҳида аллақандай олайиб, кўзининг оқи қовоқлари остига тортилиб кетади. Шунда турк-тароватли қадимий юнон ҳайкалларини эслатади.

— Вақтим зиқ, ишлашим керак, — деди йигит стол оша энгашиб. — Нима гапингиз бор?

— Гапим йўқ, — дейман унинг чақчайиб турган маъносиз кўзларига тикилганимча. — Раҳмат!

Йигит тарвақайлаб қадам ташлаганича чиқиб кетади.

— Тез чиқиб кетди, — сўрайди шифокор илдам кириб. — Гаплаша олдингизми?

— Эрта тонгданоқ «игна» санчиб олибди, — дейман афсусланиб. — Руҳий ҳолатини кўринг.

— Бусиз тура олмайди, — шифокор ҳорғин ўтирди. — Лекин дозани камайтириб бораяпти. Вақтида текширувга келади, маслаҳатларимизга риоя қилади. Ишлаб пул топаётгани учун ҳам раҳмат деймиз.

**Жўрабек МУРОДОВ.**
**(Давоми бор).**



# ҚОҒОЗ БАНДАСИ

**(Лофга ўхшаган ҳикоя)**

Гулистон базасининг директори Бегматов навбатдаги арзгўйни чиқариб юбориб, қўнғироқ тугмасини босди. Котиба қиз ўрнига тугун кўтарган бир кампир кирди. У тўғри бориб директорнинг елкасини силади, кафтларини кўзига суртди ва стулнинг четига омонатгина ўтирди.

— Эсон-омонгина юрибсанми, болам? — деди энтикиб. — Келиним тузукми? Невараларим яхшими? Уйингга борсам, эшигинг қулф экан, тўғри олдингга келавердим...

— Ўзларингда тинчликми, кампир? — деди Бегматов ва оғзини катта очиб, эснади. — Айтмоқчи, бобой қалай, бобой?

Кампир ўғли томон сал энгашди.

— Дадангни айтаяпсанми, болам? Бир ҳафта бурун тузук эди. Уч кун бўлди, оёғимлаб ётиб қолди. Биласан-ку, оёғида боди бор, ҳаво ўлгур айниса, тутади-қолади.

— Да-а, яхши бўлмабди, — деди Бегматов, — дўхтирга қаратиш керак. Хўш, кампир, келинг, қандай шамол учирди?

Кампир қувониб кетди.

— Ҳайрият, болам, ўзинг ҳам эшитибсан, — деди соддалик билан, — шамол қаттиқ бўлди.

— Қанақа шамол? Нима деяпсиз?

Она ўрнашиброқ ўтирди-ю, гапни олисдан бошлади:

— Ўн кун бурун десанг, қишлоқда бир шамол бўлди, бир шамол бўлди! Уч кунгача тинмади. Ҳозир борсанг, ҳовлингни танимайсан. Бултур даданг эккан шафтолиларнинг биттаси қолмай синиб тушди. Ошхонанинг томини кўтариб сойга олиб бориб ташлади. Тепасидан юлдуз кўриниб ётибди. Шунга, даданг айтдики, мен мунақа бўлиб қолдим, сен бориб, Эшбойга учрашчи, озгина шипр топиб, томни ямаб берармикан, деди.

Бегматов бошига оғир кулфат тушган одамдай қовоғини солди.

— Бекор овора бўлибсизлар, кампир, — деди уҳ тортиб, — аввало, ҳозир шифер йўқ. Қолаверса, бизга икки энлик қоғоз керак. Сиз маҳаллаком... тфу, маҳалла қўмитасига ариза ёзасиз. Қўмита ҳокимга ўтказади, ҳоким тўра қарор чиқариб, сизга юборади. Биз навбатга қўйиб, бир куни сизни чақирамиз. Тартиби шунақа.

— Вой шўрим, — кампир кўркиб кетди, — ёғин-сочин бўлса, нима қиламиз, томга тўшак ёпиб ўтирамизми, болам?

— Тўшак ёпасизми, гилам ёпасизми, у сизнинг ишингиз. Бизга қоғоз керак, оғзаки гап кетмайди.

Она ўғлига довдираб боқди:

— Болам, қўзичоғим... ўша қоғозингни кейинги сафар олиб келиб берарман. Хўп, деяқол. Ахир, мен туққан онангман-ку, менга ишонмайсанми?

— Бўлмайди, кампир! — Бегматов столни шапалоқлаб бир урди-ю, сапчиб ўрнидан турди. Нари-бери юрди. — Мен бу ерга ишга ўтгандан бери қариндошларим кўпайиб кетди. Бири тоғангман, дейди, биров поччангман, дейди... Мана, сиз ҳам онанг бўламан, деб турибсиз. Шу гапингизни тасдиқлайдиган ҳужжатингиз борми қўлингизда?

Бегматов хонанинг у бурчагидан елиб келди-ю, кўзларини чақчайтириб онасидан сўради:

— «Берилди ушбу справка шу ҳақдаким, Фалончи Фалончиева ростдан ҳам ўртоқ Эшбой Бегматовнинг туққан онаси бўлади», деган қоғоз керак. Борми, ўшанақа қоғозингиз? Йўқ! Яна онангман, дейсиз. Яхши эмас, кампир, яхши эмас...

Бегматов бош чайқаб, жойига бориб ўтирди. Шўрлик кампир қўрққанидан столнинг тагига кириб кетай деди. Бир амаллаб ўрнидан туриб олди.

— Узр, болам... — деди дағ-дағ титраб, — мен бориб, дадангни олиб келай, зора отангни танисанг...

Бегматов қўлини қиличдай сермаб бақирди:

— Отам тугул отамнинг отаси келсаям қоғоз талаб қиламан. Қўлида қоғози бўлмаса, овора бўлиб остонамни ҳатламасин! Биз фақат икки энлик қоғозга ишонамиз. Бизга шундай таълим беришган.

Она судралиб чиқиб кетди.

Эшбой Бегматов бир лаҳза қора эшикка тикилиб турди. Сўнг таънаомуз шанғиллади:

— Тавба! Онангман, танимайсанми, дейди-я! Таниб турибман. Туққан онамни танимай кўр бўлибманми? Лекин, на қилай, мен қоғоз бандасиман. Бурнимга қоғоз ишқаб гаплашмасангиз, ҳисоб эмас. Қоғозингиз бўлса, Искандар Зулқарнайнман, десангиз ҳам ишонаман. Бўлмаса қорни қора, кўмирни оқ деб тураверамаn. Вот так!

**Саъдулла СИЁЕВ.**

*Ҳаёт сабоқлари*

# ЙЎЛ БЎЙИДАГИ ҚИЗ

Кеч куз кези эди. Иш тиғиз — педагогика институти шаҳарчасида кўчаю майдонларни хазондан тозалаш керак. Вақт хуфтондан ошганда Абдуҳаким машинани тўлдириб, шаҳар ахлатхонасига шошилинч кетаётса, йўл бўйида бир қиз қўл кўтариб қолди. Бевақт-да, уйига кечикибди, йўл-йўлакай олиб кетай, деган хаёлда машинани тўхтатди. Қиз кабинага ўтирди. Шаҳарчадан чиқиб, чекка маҳаллани кесиб ўтиб, катта йўлдан елиб кетаяпти ҳамки, қиз тўхтанг, тушиб қолай, демайди. Ниҳоят, ўнгга бурилди, буёғи энди шаҳар ташқариси. У машинани чеккароқ олиб тўхтатди.

— Синглим, қаерда тушасиз, — деб сўради. — Мен ахлатхонага юк тушираман.

Қиз бир фурсат тараддудланди, кейин ҳазин бир овозда:

— Менга барибир, — деди. — Қаерга олиб борсангиз ҳам майли...

Дафъатан, Абдуҳакимнинг бутун вужуди титраб кетди. Аввалига жаҳл устида ўзига-ўзи, қизни тушир-у, йўлингдан қолма, демоқчи ҳам бўлди. Лекин дарҳол ўзини қўлга олди. Бечора, ноилож бир қизга нега жаҳл қилсин, ахир?

— Сизга нима керак ўзи, синглим?

— Ака, пул керак. Нима қилсангиз қилинг, бироз пул берсангиз бўлди.

Йигитнинг боши ғовлаб кетди. Тўғри, чўнтагида пули бор. Шофёр зоти пулсиз юрмайди, ахир. Лекин бу қизнинг гаплари бўлакча. Шу қоронғу тунда, шаҳар чеккасида уни ёлғиз ташлаб кетиш ҳам йигит кишининг иши эмас.

— Қанча керак?

— Ўттиз тўрт сўм, ака, — деди қиз титроқ, ўксик бир овозда.

Абдуҳаким машинани юргизди. Юкни ағдариб, қайтишда яна пединститут шаҳарчаси томон юрди. Тушундики, қиз шу институтда ўқийди, шу атрофдаги ётоқхоналардан бирида туради.

— Қайси ётоқхонада яшайсиз, синглим?

— Ўн биринчида, ана етиб қолдик, — деди қиз.

Машинани тўхтатиб, Абдуҳаким киссасидан пул олди-да, қизга узатди. У пулларни қўлига олди-ю, дарҳол:

— Йўқ, йўқ, ака, менга бунча кўп пул кераkмас, — деди бир сапчиб тушиб. Кейин тез-тез гапира бошлади. — Биз тўрт қиз бирга турамиз. Ҳар ҳафталик харажатни биримиз кўтарамиз. Менинг навбатим яқинлашиб қолган эди. Қишлоқдан пул келиши керак, негадир кечикди. Ноилож шу кеч кўчага чиқишга мажбур бўлган эдим...

Йигит пулдан ўттиз тўрт сўм санаб, қизга узатди. Энди у индамай олди-да, раҳмат, ака, деб кабинадан тушди.

... Орадан икки ҳафта ўтиб, иттифоқо, пединститут яқинидаги чойхонада улфатлар билан ош қилишди. Шофёрлар чақчақлашиб ўтиришса, бир бола даврага яқинлашди-да, Абдуҳакимни чақирди:

— Сизни ҳув анави ерда бир опа кутаяпти, — деди.

Йигит ҳайрон бўлиб, болага эргашди. Ташқарига чиқса, йўлакчада нотаниш бир қиз турибди.

— Салом, ака.

Йигит уни овозидан таниди — ўша тундаги қиз. У Абдуҳакимга пул узатди:

— Ўша куни мени бир маломатдан қутқариб қолдингиз, ака. Омон бўлинг. Бир умр унутмайман.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

*Бекажон*

## *Доғлардан қандай қутулиш мумкин?*

- Елимдан қолган доғни кетказиш учун кийимингизни сода аралашган сувга бўктириб қўйинг. Сўнгра уни 2-3 ош қошиқ спирт солинган илиқ сувда чайиб олинг.
- Йоддан қолган доғни 10 фоизли трисульфат натрий аралашмаси билан кетказиш мумкин. Бунда пахтали тампондан фойдаланиб доғ бўлган жойни артинг, кейин уни ювиб юборинг.
- Қаҳвадан қолган эски доғларни глицеринда артиб, сўнгра чайсангиз, ундан халос бўласиз.
- Кийимдаги мевадан қолган доғли жойни сутда ивитиб, кейин уни одатий усулда ювишингиз мумкин.
- Водород перикисига бир-неча томчи нашатир спиртини аралаштириб, кийимдаги олча доғларини артиб кетказиш мумкин. Доғ изи йўқолганидан сўнг уни илиқ сувда чайиш ёдингиздан чиқмасин.

1999 йилда Артыков Гайрат Ганиханович номига берилган «Хастимом-таом» хусусий корхонасига қарашли С. Раҳимов тумани Фаробий кўчасидаги «Миллий таомлар» қаҳвахонаси ва «Цех»ига тегишли ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги 235-мактаб томонидан 2005 йилда Назарова Шахло Боходировна номига берилган U 1541570 рақамли 9-синфни битирганлик ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное свидетельство о 8-классном образовании № 532242, выданное школой-интернатом № 1 в 1981 году Снимшиковой Ирине Анатольевне,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 9587. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.
(Т) белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.50. 1 2 3 4 5